



МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

давлат ва жамият бошқарувини тубдан демократлаштиришга
хизмат қилади



Хайрулло РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ислохотлар тобора шиддатли тус олмақда. Бунда давлат ҳокимияти органларини халқнинг хизматига сафарбар этиш бош мақсад қилиб белгиланди. Улар фаолиятининг очиклиги, аҳоли ва депутатлар олдида ҳисобдорлиги тартиблари ривожлантириб боришмоқда.

Шунга қарамай, мазкур йўлда қабул қилинаётган қонун ва қарорлар сифати, уларни ҳаётга татбиқ этиш ҳолати кўнгилдагидек эмас. Бу борадаги вазият сезиларли даражада ўзгармаётгани кузатишмоқда. Бундай ҳолат давлат ҳокимияти идоралари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари изчил эмаслиги, давлат функциялари марказлашиб қолгани,

бюрократия, инновацион ривожланишнинг пастлиги, айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг етишмаслиги каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Таъкидлаш жоизки, давлат ва жамият бошқаруви тизими замон талабларига жавоб бермаслиги соҳани тубдан ислоҳ қилиш заруратини тундирмоқда. Бунда асосий эътибор авваломбор ислохотларнинг етакчи кучи ва қарорлиги бўлмиш бошқарувчанлик салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиш, бу жараёнга жамият имкониятларини сафарбар этишга қаратилмоқда.

Мазкур ғоялардан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармон қабул қилинди. Концепцияда давлат

бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та асосий йўналиши белгилаб берилди. Табиийки, бу ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, фуқароларнинг фаровонлиги ва ҳаёт даражасини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини самарали бажаришга тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Концепцияда қатор қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича аниқ вазифалар назарда тутилди. Жумладан, «Давлат бошқаруви асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмаларини ташкил қилиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари, тартиб-таомилларини жорий этиш бўйича метёрларни ифодалаш белгиланди. Қонунчилигимизга янги нормаларнинг жорий этилиши ва уларнинг ижросини таъминлаш депутатлик корпусининг зиммасига улкан вазифалар юклайди. Бу борада ҳар қачонгиланда фаолроқ ва масъулиятлироқ ишлашимиз талаб этилади.

Шунингдек, Концепцияда белгиланган ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Мазкур соҳадаги чора-тадбирлар асосан нимани назарда тутди? Аввало, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини номарказлаштириш ва демократлаштириш.

Бундан ташқари, маъмурий афалини ривожлантириш ва муносабатларни коллегиал эшитиш жорий қилинади.

Концепцияда ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик тартибини аниқлаштириш ҳам белгиланган. Бу йўналишда асосий эътибор ривожлантириш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлиги ва ролини ошириш, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципларини янги тизимини жорий қилишга қаратилмоқда.

Масъуллар нима дейди?..



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ:

сохта маълумотлар, кеч қолаётган тез
ёрдам машиналари

— Давлатимиз раҳбари бошчилигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз соҳа вакиллари билан 4 марта видеоселектор йиғилишини ўтказишнинг ўзидек мазкур йўналишдаги вазифалар нақалар муҳим ва долзарб эканини аниқлаштирибди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов. — Соҳанинг ҳуқуқий асосларига эътибор қилинган бўлса, 2016 йил сентябрдан буён соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган 1 фармон, 16 қарор ва 10 фармойиш қабул қилинди. Бу ислохотлар замирида энг аввало халқ вакиллари манфаати ёғганини эътироф этиш жоиз. Шу билан бирга, уларнинг самарасини таъминлаш бевосита халқ вакиллари назоратида ўтказилди.

Бундан ташқари, амалга оширилган ишлардан оламдори хурсанд. Соҳада улкан ислохотлар олиб боришмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимидagi камчиликлар босқичма-босқич бартараф этиляпти. Аммо ечимини кутаётган масалалар, чуқур ўрганилиши керак бўлган муаммоларнинг ҳамон борлиги депутатлардан, айниқса, фракция аъзоларидан янада ташаббускор бўлишни талаб қилмоқда, дейилди йиғилишда.

— Айрим ҳудудларда сохта маълумотлар бериш ҳолати кузатишмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Бунёд Ёшонқулов. — Масалан, Фарғона вилояти туманларига бортанимизда ҚВЛларда тунги навбатчилар йўқлиги, марказий поликлиника август ойида тантанали равишда очилган бўлса-да, ҳали ишга тушмаганини кўриш. Бундан ташқари, қишлоқлардаги хусусий дорихоналар исталган вақтда очилиб, бошқа пайтда ёпиқ туради. Унинг назорати ҳам мутасаддиларнинг назаридан четда қолганга ўхшайди.

— Шу ўринда бир қўшимча қилмоқчиман, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова. — Ангрен шаҳрида бир неча кун давомида шовишнинг тез тиббий ёрдам марказларининг ишини ўргандик. Тез ёрдам чемаданлари маънан эскиргани, ишлатишга ноқулайлигига қарамадан улардан имкон қадар фойдаланилмоқда. Танометрлар ҳам ҳар 6 ойда янгиланиб турилиши керак. Лекин бу масала ҳам эътибордан четда қолган. Шу каби камчиликлар одамларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, ҳудуддаги 170 минг аҳолига 7 бригада хизмат кўрсатади. Аслида 15 минг нафар аҳолига бир гуруҳ ажратилиши керак. Ана шунда қақирувдаги кеч қолишлар кузатилмаган бўлар эди.

— Ҳақ гапни айтдингиз. Қақирувга кечикиб бориш масаласи ҳудудларда ҳали ҳам учраб турибди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Рўбоев. — Бунинг турли сабаблари мавжуд бўлибди. Кўчаларга, кўп қаватли уйлар олдида аҳоли томонидан қўйилган тўсиқлар натижада тез ёрдам машинаси бошқа жойлардан айланиб ўтишига тўғри келяпти. Бу ҳам вақтни олади, албатта. Шунингдек,

қурилиш ёқига лимити ҳам беморнинг ёнига ўз вақтида етиб бора олмаслиққа сабаб бўлмоқда. Бизнинг вазифамиз ҳар бир муаммо юзасидан тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда ечим излашдан иборатдир.

Фракция аъзолари кадрлар масаласи, бинолар ҳамда тиббиёт ускуналарини янгиллаш борасида жойларда ўрганилган камчиликларни ҳам муҳокама қилишди. Уларни ҳал этиш юзасидан ўз тақлифларини билдиришди. Асосийси муаммонинг илдизига етиб бориш, уларни келтириб чиқараётган муаммоларни бартараф этиш кераклиги таъкидланди.

Мазкур жиҳатлар инобатга олиниб, «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорнинг ижроси бўйича парламент назорати институтини қўллаш ташаббуси илгари сурилди. Ушбу тақлиф фракция аъзолари томонидан бир овоздан таъминланди, бу борада аниқ вазифалар бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Алоҳида ишчи гуруҳ тузиб, билдирилган тақлифлар асосида тадбирлар режаси ишлаб чиқишга келишиб олинди. Унда қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, дориларни таъминоти янада яхшилаш, қонунчиликни амалга ўтказишга қаратилган ишлар назарда тутилди.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармоннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган Ўзбекистон ХДП фракцияси олдида турган устувор вазифалар ҳам апрофича муҳокама этилди.

Фармон миллий давлатчилигимиз ривожланиши ва такомиллаштиришда янги даврни бошлаб бераётгани билан муҳим тарихий, сиёсий воқеа экани эътироф этилди. Таъкидландики, мазкур фармон асосида ишлаб чиқилган концепция ислохотларнинг янада халқчиллигини таъминлайди. Зотан фармонда белгиланган вазифалар «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади. Бу, аввало, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатлами манфаатини акс эттирувчи Ўзбекистон ХДП учун алоҳида аҳамиятга эгалиги қайд этилди.

Шундан келиб чиқиб, мазкур тарихий ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини оддий, содда тилда тушунириб беришга хизмат қилувчи мақола ва муносабатларни тайёрлаш, ОАВда эълон қилиш, жойларда кенг жамоатчилик вакиллари таъинириш, бир сўз билан айтганда, фармонни ҳаётга татбиқ қилишда фаол иштирок этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда фракция фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
давлат бошқаруви академияси
ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди:

— Мамлакат тараққиётининг бугунги босқичида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш, самарадорлигини янада ошириш Ҳаркатлар стратегиясида белгилаб берилган долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида янги вазифаларни белгилаб берди.

Сўнгги пайтларда республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган янгиланишлар давлат ва жамият бошқарувида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар борлигини кўрсатди. Мазкур ҳужжатда қайд этилганидек, бир қатор идораларнинг вазифалари декларатив хусусиятга эга ва уларни амалга оширишнинг ташкилий-

ҳуқуқий механизмлари етарли эмас, ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келувчи давлат функциялари ҳалдан ташқари, марказлаштирилган, бюрократлаштирилган ва юқори сарф-харажатларга олиб келаётган инновацион ривожланишнинг дастурларини шакллантиришда салбий таъсир кўрсатаётган айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг етишмаслиги кўри-

ниб қолди. Айнан Маъмурий ислохотлар концепцияси шу каби ҳал қилиш ўта муҳим бўлган қатор масалаларни бартараф этишга қаратилган.

Мен асосан биринчи ва иккинчи йўналишга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Биринчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг ўз ичига олади. Бу жуда муҳим масала. Чунки ислохотларнинг бугунги босқичида ижро ҳокимияти фаолиятини юқори даражада ташкил этмай туриб, қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис мазкур йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш, кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларини оптималлаштириш, ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларнинг Вазирилар Маҳкамаси билан

ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш масаласи аниқ ва лўнда қилиб қўйилмоқда. Айтиш керакики, ҳар қандай ислохот ёки янгилик айнан ижро ҳокимияти орқали ҳаётга татбиқ этилади. Шунинг учун бу ерда ишлаётган ходимлар, уларнинг бақолат, ва вазифалари назарда тутилган.

Бугунги кунда ҳар бир вазифани амалга оширишда шахсий жавобгарлик масаласи қатъий қўйилмоқда. Албатта, бу қўзланган режаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Шу маънода Концепциянинг иккинчи йўналишида ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштириш назарда тутилган. Яъни, ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлиги ва ролини ошириш, мақсадли индикаторларга эришишга асосланган, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципларини янги тизимини жорий қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар кўзда тутилган.

Менинг назаримда Маъмурий ислохотлар концепцияси ҳаётга татбиқ этилиши қисқа муддатда Ўзбекистонда самарали бошқарув тизимини йўлга қўйилиши, қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиши, пировард натижада давлат идораларининг халқимизга хизмат қилишига қўлай шарт яратиб беради.

жамоатчилик ва парламент назоратининг кучайтирилиши орқали коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали усуллар жорий этилади. Бу, албатта, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фармон билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси нормаларини амалий рўйбга чиқариш бўйича 40 дан ортиқ аниқ тадбирларни назарда тутувчи «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия ҳамда давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Комиссия ишчи гуруҳлар томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳала-

Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:



— «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган эзгу ғояни ҳаётга татбиқ қилиш учун биринчи навбатда маъмурий ислохотларни амалга ошириш талаб этилади.

Концепцияда вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш белгиланган. Бунда давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш, маҳаллий

давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг роли ва жавобгарлигини ошириш, ҳудудий органларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Концепция давлат бошқаруви тизимини бюрократиядан халос этиш ҳамда бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлиги, шаффофлигини оширишга ишонаман. Муҳими,

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ҳар қандай ислохот ёки янгилик айнан ижро ҳокимияти орқали ҳаётга татбиқ этилади.

ТўРТ УЛКАН ТЕЛЕСКОПДАН БИРИ

Ўзбекистонда қурилади

Қозғоғистоннинг Остона шаҳрида Ислон ҳамкорлик ташкилоти томонидан «Фан, технологиялар, инновациялар ва ислон оламини модернизация қилиш» мавзусида ташкил этилган биринчи саммитни биз, ўзбекистонлик илм-фан ахллари ҳам катта ҳаяжон, қувонч билан кузатиб бордик. Чунки ушбу мавзу ислон цивилизациясининг марказларидан бири бўлмиш Ўзбекистоннинг бугуни ва келажаги учун ҳам гоят муҳимдир.

Мазкур саммитдаги энг эътиборга молик воқеалардан бири давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг нутқи бўлганини бугун кўплаб оммавий ахборот воситалари, дунёнинг олимлари эътироф этмоқда. Муҳтарам Президентимиз мазкур халқроқ анжуманининг ҳозирги даврдаги, хусусан, ислон мамлакатларида замонавий фан ва технологияни ривожлантириш борасидаги аҳамиятига юксак баҳо берибгина қолмасдан, кўзланган мақсадларга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган еттига долзарб йўналиш бўйича ўз таклифларини билдирди.

Юртбошимизнинг «Ўйлайманки, фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврнинг долзарб муаммоларига илмий ечимлар топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш ислон оламининг илмий-технологик салоҳиятини амалга

ошириш учун мустаҳкам замин яратади. Мирзо Улуғбекнинг астрономия фани ривождаги бебаҳо ҳиссасини эътиборга олиб, Самарқанд шаҳрида замонавий телескоп ўрнатиш тўғрисидаги таклифни биз миннатдорлик билан қабул қиламиз», деган сўзлари ўзбекистонлик барча астрономлар кўнглидаги орзу-ниятларининг ёрқин ифодаси бўлди.

Гап шундаки, ҳозирги пайтда бутун дунё бўйлаб Коинотнинг энг олис ҳудудларини ўрганувчи ўнлаб йирик телескоплар ўрнатишган. Улар орасида астрономик асбобларнинг ўрта синфига мансуб, бош кўзгусининг диаметри 4 метр бўлган телескоплар ҳам бор.

Ислон ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) мусулмон олимларининг астрономия фани ривождаги буюқ ҳиссасини эътиборга олиб, мусулмон мамлакатларида йирик телескопларнинг мавжуд эмаслигига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлаб, ИХТ нинг 2017 йил 10-11 сентябрда Остона шаҳрида бўлиб ўтган фан ва технологиялар Саммити кун тартибига Мароқаш, Туркия, Ўзбекистон ва Покистон ҳудудларида 4 метрли телескоп ўрнатиш масаласини киритган эди.

Дарвоқе, 4 метрли телескоп нима ўзи? 4 метрли телескоп кўзгусининг оғирлиги уни тайёрлаш учун ишлатилган материал ва технологиясидан қатъи назар бир неча

ўн тоннага боради. Кўзгусининг металл гардиши ва телескоп конструкциясининг оғирлиги эса бир неча юз тоннага етади. Телескоп электрон-механик узатмалари юқори технологияли қурилма бўлиб, кўп тоннали конструкцияни талқик этилаётган ҳаракатланувчи объектга қаратиб, уни юқори аниқликда тутиб туришга имкон беради.

Телескопнинг ўрнатилиши Ўзбекистонга нима беради? Бугунги кунда астрономия Ўзбекистонда тез ривожланаётган фан йўналишларидан биридир.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Халқаро SCOPES дастури аналитик хизмати маълумотларига кўра, Ўзбекистон астрономия соҳасида 228 та мамлакат орасида 52-ўринни эгаллаб, нафақат Марказий Осиё ва мусулмон давлатларидан, балки баъзи Европа давлатларидан ҳам олдинда туради. Бу Ўзбекистонда фан соҳалари бўйича энг юқори рейтинг кўрсаткичидир.

ЎзР ФА Астрономия институти ютуқларининг асосий омил бу — жаҳонда астрономик кузатувлар олиб бориладиган энг яхши бешта ҳудуд қаторида турувчи Майданак обсерваториясининг мавжудлигидир.

Замонавий йирик телескопнинг Ўзбекистонда ўрнатилиши астрономларимизга ҳозирги замон астрономиясининг илгор йўналишларидан бўлмиш Галактикамизнинг бошқа юлдузлари атрофидаги

сайёраларни, айниқса, ҳаёт нишонаси борлиги тахмин қилинаётган сайёраларни излаш ва Қуёш тизими сайёралари, гигант сайёралар йўлдошларида ҳаёт аломатларини изчил ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни жаҳон даражасига олиб чиқишга имкон яратади. Телескоп ўрнатилиши натижасида жаҳондаги замонавий илмий марказлар даражасидаги юқори малакали астрономлар тайёрланади ва Ўзбекистон астрономларига астрономия ҳамда астрофизика соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан жой олиш имконини беради.

Ҳозирда Астрономия институтининг ҳудудида Президентимиз ташаббуси билан Мирзо Улуғбек мактабини ташкил этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Бу мактаб астрономия, математика, информатика каби аниқ фанлар бўйича ихтисослашган бўлиб, уни битирган ўқувчилар келгусида астроном бўлишларида катта умид боғланмоқда. Улар янги қуриладиган телескопда илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, буюқ бобокалонларимизга муносиб авлод бўлиб етишади, деб умид қиламиз.

Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ,
ЎзР ФА Астрономия институти директори.



АНТАРКТИДА МУЗЛАРИ ОСТИДА ҳаёт мавжуд



Бир гуруҳ олимлар сайёрамизнинг жанубий оролларида бири Росс оролида ҳаракатдаги Эребус вулконида боришди. Мутахассислар у ерда вулқон буғи таъсирида шаклланган, бир-бири билан боғланган муз ости гор тизимларини ўрганишди.

Улар турли горлардан намуналар олиб, уларда мох, сувўтлари, думалоқ қуртлар ва бўғим-оёққилар изларини аниқлашди. Баъзи ДНК намуналари янги турдаги жонзотлар ва ўсимликларга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Излар ҳам сиртда, ҳам муз ости ҳудудларда аниқланган.

Олимларнинг айтишича, тадқиқотлар натижалари Антарктида музлари остида нималар содир бўлаётганини кўриш имконини беради. Таъкидланишича, геотермал горларда яшаш учун жуда яхши шароитлар мавжуд. Бу горларнинг ичи иссиқ бўлиб, баъзиларида ҳарорат 25 градусга етиши мумкин.

Охирги маълумотларга кўра, Антарктида ҳудудида камида 138 та муз ости вулкони мавжуд.

ЕВРОПАДАГИ ЭНГ ЙИРИК соҳил электр станцияси барпо этилади



Буюқ Британия бирлашган қироллигининг Уэльс графлиги соҳилларида тўқинлар воситасида ҳаракатланадиган турбиналар ўрнатилган бетон девор барпо этилади.

Tidal Lagoon Power компанияси Уэльснинг Кардифф шаҳрида қуввати 320 мВт бўлган соҳил электр станциясини барпо этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Дастлаб узунлиги 9,5 км. бўлган бетон девор қурилади. Унга ҳар бири 20 мВт. бўлган 16 та турбина ўрнатилади. Улар йилига 550 миллион кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Шу тарзда Европадаги энг йирик соҳил электр станцияси бунёд этилади.

Лойиҳа 1,3 миллиард фунт стерлинг қиймати туфайли жиддий танқид қилинмоқда. Бу одатдаги АЭСнинг таннари ҳисобланади. Аммо соҳа экспертлари га кўра, Буюқ Британия йирик ГЭС қуриш тажрибасига эга бўлмагани боис, унинг қиммат бўлиши шубҳасиз.

Сўнгги йилларда Буюқ Британия иссиқлик электр станцияларидан зудлик билан воз кечмоқда. Хусусан, 2015–2016 йилларда кўмир қазиб олишни тўхтатди ва кўмирда ишлайдиган ИЭСларни ҳам ёпди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Мен, тўғриси айтиш, Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида ушбу саммитни катта ҳаяжон ва гурур билан кузатдим. Бугун Президентимиз нутқини матбуотда синчиқлаб ўқиб чиқдим. Ислон ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммитининг мавзусига қаранг, «Фан, технологиялар, инновациялар ва ислон оламини модернизация қилиш». Бу масала бугун ҳар қачонгилан ҳам долзарбдир. Чунки дунёнинг тараққиётини фан ва технологиялар ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунинг учун эса янги инновацион гоёлар ва ишланмалар керак бўлади.

Бугун биз Ислон олами, жаҳон фани ва цивилизациясига қўшган бекиёс ҳиссаси билан асосли равишда фахрланамиз. Чунки улуг ватандошларимиз — алоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари

ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Фарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюқ астроном Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир зотларнинг дунё илм-фани ривожига қўшган ҳиссалари бекиёсдир.

Яқинда ВВС телеканалда буюқ ватандошимиз Ал-Хоразмийга бағишлаб берилган кўрсатувни кўриб, жуда фахрландим. Чет эллик журналист Ал-Хоразмийнинг ўша даврдаги тадқиқотлари замонавий илм-фан ривожига катта асос бўлганлигини эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари саммитда мусулмон мамлакатларида мавжуд муаммоларни қайд

этибгина қолмай, уларнинг ечим бўйича ҳам ўзининг аниқ таклифларини билдирди. Мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқадан қолаётгани ҳақида тўхталиб, аъзо давлатларнинг фақатгина 11 олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олганини қайд этди.

Шунингдек, аксарият мусулмон мамлакатлари бой табиий заҳираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётта инновацион гоё ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганлигига эътибор қаратилди.

Фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврнинг долзарб муаммоларига илмий ечимлар топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш ислон оламининг илмий-технологик салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратишга алоҳида урғу бериб ўтилди. Бунинг учун амалга оширилиши зарур бўлган амалий ишлар тўғрисида ҳам Ўзбекистоннинг таклифлари баён этилди.

Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитасининг аъзо давлатлари ҳудудида ташкил этилиши режалаштирилаётган олпти Юқори самарали компьютер

марказидан бирини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи берилди. Бундай замонавий юқори технологияли компьютер марказининг мамлакатимизда жойлаштирилиши ёш олимларимизга хорижлик мутахассислар билан билим ва тажриба алмашиш, улар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш имконини кенгайтиради.

Президентимизнинг Доимий қўмита ҳомийлигида Ўзбекистонда Ал-Хоразмий хотирасига бағишлаб, ёш математиклар ўртасида Халқаро олимпиадани ташкил этиш тўғрисидаги таклифи ҳам барчамизни бирдек қувонтирди. Ушбу олимпиада қадимий ва ҳақиқат навқирон Хивада ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Раимбергян САБУРОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАММОСИ

юрт келажаги учун қайғурадиган ҳар бир ватандошимизга дахлдор

Президентимиз томонидан қабул қилинган «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни қайта-қайта ўқиб чиқиб, бу соҳада узоқ вақтлардан буён ечимини топпай келаётган ўта муҳим муаммоларга давлат миқёсида эътибор қаратилаётганидан жуда қувондим.

Чунки серфарзанд Ўзбекистонда ҳозиргача мактабгача таълим муассасалари қамрови туғилишга нисбатан жуда пастлигича қолмоқда. Бу эса ўз навбатида болаларни таълим жараёнига тайёрлашда узилишларга сабаб бўлаётди. Бунинг устига, мактабгача таълим муассасаларининг деярли кўпчилигининг моддий-техник ҳолати ночор аҳволдалигини яшириб бўлмайди. Қишлоқ жойларидаги аҳвол ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган бу қарор кенг жамоатчилик, ота-оналар, соҳа вакиллари, ҳуллас, ҳар бир юртдошимиз томонидан илиқ қабул қилинганлиги, шубҳасиз.

Мактабгача таълим-тарбия таълимнинг бош бўғини

2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади.

ҳисобланади ва уни яхшилаш, сифат ва самарадорлигини ошириш ҳақида долзарб бўлган. Чунки бу тизимнинг қандай йўлга қўйилиши таълимнинг кейинги бўғинлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Негаки, мазкур тизимдаги қатор муаммолар, жумладан, аксарият марказдан узоқ ҳудудларда мактабгача таълим муассасаларининг мавжуд эмаслиги,

Шунингдек, таълим муассасалари моддий-техник базасининг ҳозирги ҳолати болаларнинг мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олинишига имкон бермаслиги ҳеч кимга сир эмас. Мазкур муаммоларнинг ечимига қаратилган мазкур қарорда чекка ҳудудларда ҳам сиғими кичкина бўлса ҳам мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш, марказий ҳудудларда эса улар сонини кўпайтириш ва

мукаммаллаштириш, уларни янги намунавий лойиҳалар асосида қуриш вазифалари белгиланганлиги айни муддао.

Ушбу қарорда мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган кадрлар сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг, яъни маляка ошириш ва қайта тайёрлашга юбориш, намуналар фаолият олиб бораётган педагог кадрларни моддий рағбатлантиришга оид вазифалар ҳам назардан четда қолмаган.

Шу ўринда Президентимизнинг шу соҳа вакиллари берган яна бир имкониятларини қайд этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ўқув йилида Президентимиз ташаббуси билан республикамизда фаолият олиб бораётган педагогика институтиларида мактабгача таълим йўналиши бўйича махсус сиртки бўлимларининг жорий қилиниши мазкур соҳада ишлаётган ўрта махсус маълумотли кадрларга олий маълумотли бўлиш имконини берганлиги қувонарли.

Айниқса, бу борда олис ҳудудлардаги кадрларга тегишли имтиёзлар мавжудлиги республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

Мактабгача таълим тизимида ўқув-услубий адабиётлар сифатини яхшилаш ва кўпайтиришга эътибор қаратиш ҳам айни долзарб масалалардан саналади. Бу эса соҳа вакиллари олдида масъулиятли вазифалар, ижодий изланишлар ва улкан имкониятлар эшигини очади.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»нинг қабул қилинганлиги ва унда белгиланган тадбирлар мактабгача таълим тизимининг режали, босқичма-босқич ва албатта, тизимли ташкил этилишига асос бўлади.

Давлат-хусусий шериклик механизми асосида замонавий ва ҳаммабон мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва бунинг учун инвесторларга турли хил имтиёзлар яратилганлиги таълим соҳаси вакилларидадан бошқаларнинг ҳам эътиборини бу тизимга жалб этишни кўзлайди. Бу эса мазкур тизимнинг янада такомиллашуви ва ривожланиши таъминлайди.

Раъно ДАВЛАТОВА,
Навоний Давлат педагогика институти Мактабгача таълим кафедраси муdiri, филология фанлари номзоди, доцент.

Мактабгача таълимнинг қандай йўлга қўйилиши таълимнинг кейинги бўғинлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Бугун Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Маданият, Халқ таълими вазириликлари, Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳокимликлари, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги» шиори остида «Болалар китоби» III республика фестивали ўз ишини бошлади.

АНЪАНАВИЙ АДАБИЁТ БАЙРАМИ



Шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, 14-16 сентябрь кунлари ўтказиладиган «Болалар китоби» республика китоб фестивалидан қўзланган асосий мақсад 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ёш авлодни юсак маънавиятли шахс этиб тарбиялашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришдан иборатдир.

Фестивалнинг нафақат пойтахтимизда, балки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ҳам ўтказилиши юртимизда кейинги пайтларда чоп этилган бадиий, илмий-маърифий, оммабоп наشرлар билан халқимизни кенг таништириш имконини беради.

Бир неча йилдан буён давом этиб келаётган бу анъанавий адабиёт байрамида шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, ёш каламкашлар билан ижодий учрашувлар ташкил этилади, янги китоблар тақдими, мушоиралар, ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари қoшидаги тўғарак аъзоларининг ижодий кўргазмалари намойиши бўлиб ўтади.

Оммавий халқ сайли тарзида ташкил этиладиган тадбирларда «Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб!», «Энг фаол ёш китобхон», «Ёш китобсевар», «Менинг биринчи китобим», «Китобхон оила», «Китоб — беминнат устоз», «Одамийлик китобга бўлган эҳтиромдан бошланади», «Китоб ўқишда фарзандларингизга аввало ўзингиз ўрнак кўрсатинг» сингари мавзуларда совринли интеллектуал викторина, танловлар, мушоиралар, ижтимоий сўровномалар ўтказилади ва ғолиблар ҳоми ташкилотлар томонидан диплом ҳамда совғалар билан тақдирланадилар.

Наشريётлар томонидан байрам иштирокчиларига оилавий китоб ўқиш аъналарини тарғиб қилиш мақсадида «Болаларда китоб ўқишга меҳр уйғотишда ота-оналарга маслаҳатлар» номли флайерлар тақдим этилади ҳамда «Мен севган китоблар» мавзусида ижтимоий сўровнома ўтказилади.

«Болалар китоби» III Республика фестивалида Ўзбекистонда фаолият юритаётган 60 дан ортиқ нашриёт ва матбаа корхонаси ўз китоб махсулотлари билан иштирок этади. Болалар адабиётига ихтисослашган нашриётлар томонидан нашрдан чиққан китоблар намойиши ва эркин савдоси ўтказилади.

Маънавият ва адабиёт байрамида Маданият вазирилик, «Ўзбек-концерт» давлат муассасаси ташаббуси билан Республика ёш томошабинлар театри, Республика Давлат кўғирчоқ театри, «Томоша» театр студияси ҳамда турли болалар санъат гуруҳларининг концерт дастурлари намойиш этилади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ НАТИЖАСИ

юқори малакали кадрлар тайёрлашга замин яратади

Тошкент давлат юридик университети томонидан 2017-2018 ўқув йили учун қабул комиссияси фаолияти ҳамда қабул натижалари, шунингдек, қабул комиссияси фаолиятидаги янгиликлар мавзусига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— Бу йилги тест имтихонларида шаффофликни таъминлаш ва адолат мезонларига сўзсиз амал қилишга эришиш мақсадида «Ўзэкспомарказ»нинг 6 биноси — 4 павильон ва иккита аудиторияси танлаб олинди, — деди Адлия вазири ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори Есемурат Канъязов. — Имтиҳонда текшириш, кузатиш ва назорат ишларига бир қатор муассаса ва идоралар вакиллари ҳамда университет ходимларидан иборат гуруҳлар жалб қилинди. Тест синовларида замонавий технологиялардан кенг фойдаланилди. Жараёнларни «Ўзэкспомарказ» ҳудудига кириш жойларида ўрнатилган учта йирик LED (4м*3м) экранлар ёрдамида абитуриентларнинг ота-оналари ва яқинлари тўғридан-тўғри кузатиб борди.

Бу йил қабул комиссиясига бакалаврият таълим йўналишига жами 6132 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Ҳар бир ўринга ўзбек гуруҳларига 12,9 нафар, рус гуруҳларига 4,8 нафар абитуриент тўғри келди.

Президентимиз томонидан шу йил 28 апрелда қабул қилинган «Тошкент давлат юридик университетида

кадрлар тайёрлаш тизими-ни тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга кўра, бу йилги қабул квотаси 600 ўрин қилиб белгиланди. Ўтган йили эса 450 ўринни ташкил этганди. Шундан давлат гранти асосида 20, тўлов-контракт асосида 580 квота ажратилган. Магистратура йўналишига 120 ўрин ажратилган бўлиб, барчаси тўлов-контракт асосида амалга оширилди. Янгилик сифатида яна шунини айтиш мумкинки, юридик кадрлар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида магистратура мутахассислигига ҳужжат топширганларни икки босқичда — олдин тест синовларидан ўтказилди, кейин ёзма имтиҳондан ўтказилди ва талабга жавоб берган 74 нафари магистратурага қабул қилинди.

— Бакалаврият йўналишида давлат гранти асосида 20 нафар талаба қабул қилинганлигини таъкидладимиз. Шундан 3 нафари фан олимпиадаси ғолиби эканлиги ҳам айтиб ўтилди. Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари



томонидан фан олимпиадалари ғолиблари ҳамда бошқа имтиёзга эга бўлганларга алоҳида ўрин ажратилиб, давлат гранти тўлиқлигича сақланиб қолинса яхши бўларди, деган муножаатлар бўлмоқда. Бу масалага қандай қарайсиз?

Саволларимизга Адлия вазири ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори Есемурат Канъязов жавоб берди.

— Бизга ҳам бу масала бўйича абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари томонидан кўпгаб муножаатлар бўлмоқда. Уларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда, тегишли вазирлик ва идораларга маълум қилганмиз. Яқин йиллар ичида бу борада ҳам

ижобий натижалар бўлиб қолиши мумкин.

— Президентимиз томонидан шу йил 5 май кун қабул қилинган «2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорнинг 5-бандида жорий ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул қилиш кўзда тутилган. Яъни, тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул қилиш ўтиш бўлидан паст балл тўплаган, аммо 68 баллдан кам бўлмаган абитуриентлар

учун амалга оширилиши белгиланган. Бу борада тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул қилиш ўтиш бўлидан паст балл тўплаган, аммо 68 баллдан кам бўлмаган абитуриентлар

— Ҳозир тўлов-контракт асосида қабул чегарасига 4 баллгача етмаган абитуриентлардан 77 нафари қўшимча қабул учун ариза билан муножаат қилган. Бундан ташқари, 4 баллдан паст 68 баллдан юқори бўлган 426 нафар абитуриент ҳам ўқиш истагини билдириб ариза берган. Энди қўшимча тўлов-контрактнинг пули тўғрисида тўхталадиган бўлсак, 1 баллдан 4 баллгача етмаган абитуриентлар амалдаги тўлов-контракт бўйича баллига қараб амалдаги контракт пулининг 1 баробаридан 3 баробаригача тўловни амалга оширади. 4 баллдан паст, 68 баллдан юқори бўлган абитуриентлар эса 25 баробаригача, яъни 250 миллион сўмга яқин пул тўлаши белгиланди. Абитуриентларнинг ота-оналарига шунини маълум қилмоқчи эдикки, бу 25 баробаригача қўшимча тўлов фақат бир йил учун тўланади, холос. Кейинги йилларда эса тўлов-контракт пули қанча бўлса, шунча тўланади.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ РАЎБАРЛАРИ САЙЛАНДИ

Тошкентдаги Radisson BLU меҳмонхонасида Ўзбекистон футбол федерациясининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда Халқаро футбол уюшмалари федерацияси, Осиё футбол конфедерацияси, вилоят футбол федерациялари вакиллари, мураббийлар, кенг спорт жамоатчилиги ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Дастлаб ЎФФ президенти Мираброр Усмонов ўтган йиллар мобайнида олиб борилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

— 2006 йил ЎФФ раҳбарлигига сайланганимда, мендан терма жамоамизни жаҳон чемпионатида олиб чиқишни сўрамаглар, бунга ваъда бера олмадим, саккиз, ўн йилдан сўнг жаҳон чемпионатида чиқиб, нимадир кўрсатишимиз мумкин, ҳозирча бизда пойдевор йўқ, деган эдим, — деди Мираброр Усмонов. — Бизнинг мақсадимиз — аввало футболни оммавийлаштириш, мустаҳкам пойдеворини яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш. Чўққиларга чиқиш ҳали насиб этади, деган ниятни билдиргандим.

Менинг армоним — терма жамоамизни ўзим истаган маррага чиқара олмаганим. Ўйлайманки, келажакда Ўзбекистон терма жамоаси албатта жаҳон чемпионатида чиқади ва мен бунга ишонаман.

Янги сайланган ЎФФ раҳбарларига омад тиламан, ўз олдига қўйган мақсадларига эришсин. Уларга маслаҳатим — ҳеч қачон танқиддан қочишмасин. Ишламаган одамни биров эсга олмайди, танқид ҳам қилмайди. Журналистлар бизни вақтида тергаб туришди, фикрларини билдиришди. Биз уларни инобатга олдик. Натижада иложи борица камчиликларни бартараф қилдик.

Тадбирда Бухоро футбол федерацияси вице-президенти Мардон Қўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Рўзиқул Бердиев, Ўзбекистон футбол федерацияси фахрийлар кенгаши раиси Наримон Жалолов сўзга чиқди.

— Футболга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Халқимиз футболни яхши кўради, иқтидорли ёшларга эгамиз, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Рўзиқул Бердиев.

— Бу омилар ютуқларга эришимизга ёрдам беради. Тўғри, камчиликларимиз етарли, агар биргаликда жиддий ишласак, уларни бемалол бартараф қила оламиз.

Шаҳбоз САИДОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳрир хайъати аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари доктори, Самарқанд давлат университети профессори Муслихиддин Мухиддиновга ўғли Саъиддин МУХИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Таниқли юрист, меҳнат фахрийси Раҳимжон АБДУЛҲАСАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдираимиз.
Бир гуруҳ дўстлари.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.

Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938

9118

nuxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:10

Topshirilgan vaqti — 23:10

Sotuvda kelishilgan narkada

Navbatchi:

Toshkent XUDYOQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

472010763006

1 2 4 5 6